

Абдушукур МУРОДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

“АТ-ТАЙСИР ФИ ИЛМИТ ТАФСИР” АСАРИДА ОИЛАВИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Халқимиз азалдан оилани муқаддас даргоҳ билиб, уни қадрлайди. Оила жамиятнинг дастлабки муҳим бўғини сифатида мустаҳкам қурилиши, никоҳга қирувчилар ота ёки она бўлишнинг юксак масъулият эканини англашлари лозим. Чунки оила фаровонлиги жамият фаровонлиги ва барқарорлиги таъминлайди. Оила фаровонлиги эса оила қирувчиларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, рўзгор ва фарзанд тарбиясидаги масъулиятни бирдек ҳис қилишларига боғлиқ. Исломи дини оилавий ҳаёт учун мустаҳкам қоидаларни ишлаб чиққанки, ушбу қоидалар унинг барча жаҳалларини қамраб олади. Шу билан бирга, динимиз эр-хотин зиммасидаги ўзаро ҳақларни ҳам баён қилиб, оилавий ҳаёт тинчлигига раҳна солувчи ҳар қандай ёмон ишлардан четланишга чорлайди.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

وَعَاثِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ فَإِنْ كَرِهْتُمُوهُنَّ فَعَسَى أَنْ تَكْرَهُوا شَيْئًا وَيَجْعَلَ اللَّهُ فِيهِ خَيْرًا كَثِيرًا

Яъни: “Улар (аёллар) ила яхшиликда яшанг. Агар уларни ёқтирмасангиз, шоядки, Аллоҳ сиз ёқтирмаган нарсада кўпгина яхшиликларни қилса” (“Нисо” сураси, 19-оят).

Ушбу оятни Абу Ҳафс Умар Насафий “ат-Тайсир фи илмит тафсир” асарида қуйидагича тафсир қилади.

Аёллар билан гўзал муомалада бўлиб яшаш дегани уч нарса билан рўёбга чиқади.

1. Хулқ. Хулқга Аллоҳ таоло Қуръони каримда мўминларнинг сифати деб келтирган ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларида мусулмоннинг фазилатларидан деб саналган ишлар қиради. Хулқ аслида иккига бўлинади. Мақталган хулқ ва қораланган хулқ. Мақталган хулқ ўз соҳибига бу дунёда бахту саодат келтирса, охиратда банданинг жаннатдаги даражаси баланд бўлишига хизмат қилади. Қораланган хулқ эса ўз соҳибини бу дунёда ҳам, охиратда ҳам азобга гирифтор қилади. Аҳли оилага нисбатан гўзал хулқ билан муомалада бўлиш борасида умматнинг энг афзал кишиси Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. У зот аёлларига нисбатан жуда ҳам меҳрибон ва доимо гўзал хулқ ила муомалада бўлиб, бу ишга умматларини ҳам чорлар эдилар. Ҳатто аҳли оиласи билан гўзал муносабатда бўлган кишини мусулмонларнинг энг яхши кишиси сифатида айтиб ўтганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар: “Имон жиҳатидан энг комил мўмин хулқ жиҳатидан энг устун бўлган мўминдир. Сизларнинг энг яхшиларингиз оиласига яхши (муомалада) бўлганингиздир”. (Абу Довуд, Термизий ривоятлари).

Ҳиндистон диёрида Мазҳари Жони Жонон исми тасаввуф пири ўтганлар. У кишининг жудаям ёмон хотини бўлган экан. Лекин ҳазрат бомдод намозини ўқиб бўлганларидан кейин, “аянгиз ҳолидан хабар олиб келинг, яхши дам

олдилармикин, яхши тушлар кўрдилармикин”, деб муридларидан бирини жўнатар эканлар. Ҳар сафар мурид ҳазратнинг аёлига “Аяжон, ассалому алайкум, пиримиз салом айтдилар, кечалари яхши дам олдингизми?” деса, аёл: “Э пирингнинг падарига лаънат, ўша ярамас одамни ўзларингга устоз қилиб юрибсизларми, унинг ҳеч қандай фазилати йўқ-ку”, деб сўкиб қайтариб юборар экан. Бечора мурид, пиримизга ёмон хотин йўлиқиб қолган экан, деб қайтиб кетар экан, аммо бу гапларни пирига етказиб боришдан ҳаё қилиб, “аямиз яхши эканлар”, деб қўя қолар экан. Кунларнинг бирида ҳар доим хабар оладиган муридлари йўқ бўлганда ҳазрат Мазҳари Жони Жонон бир содда муридларини аёлидан ҳол-аҳвол сўрашга жўнатибдилар. Содда мурид бориб, “Аяжон, ассалому алайкум, пиримиз салом айтдилар, яхши дам олдингизми?” деса, аёл яна аввалги сўкишлар билан уни ортига қайтариб юборибди. Бундан ҳайрон бўлган мурид дарҳол ҳамма гапни пирига етказибди ва: “Ҳазратим, бундай аёл билан қандай бирга яшаб юрибсиз, жавобини бериб юбормайсизми?” дебди. Шунда Мазҳари Жони Жонон: “Сен мени ким деб биласан?” дебди. “Ҳазрат, сизга ўхшагани ер юзида йўқ”, деб жавоб берибди мурид. “Мен ана шу даражага мана шу хотиннинг ёмонликларига сабр қилиб эришганман. Агар бир кун ҳолидан хабар олмай қўйсам, шу эришган даражамдан тушиб кетаман”, деган эканлар.

2. Сўз. Аллоҳ таоло инсонни бошқа жонзотлардан нутқ ва илм билан афзал қилган. Зеро, Қуръони карим ва ҳадиси шарифда инсоннинг бошига келадиган кўпгина балолар тил орқали экани айтиб ўтилган. Шунинг учун ҳам тил инсоннинг жаннатий ёки дўзахий бўлиб қолишига сабаб бўлади. Оилавий ҳаётда эркак киши ҳам аҳли оиласига доимо яхши сўзларни айтиши лозим. Чунки яхши сўз инсонлар орасидаги меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлайди. Ёмон сўзлар эса орадаги муҳаббатни кетказиб, ўрнига адоват ва душманлик келишига сабабчи бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларида мўминнинг сифатини қуйидагича баён қиладилар.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Мўмин киши кўп сўқувчи ҳам, кўп лаънатлагувчи ҳам, фаҳш сўзларни айтувчи ҳам, одобсиз ҳам бўлмайди”, деб марҳамат қилганлар (Имом Термизий ривояти).

Ривоятларга кўра, Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ Абоса бинти Муфаззал исмли аёлга уйланади. Имом Аҳмад бу аёлларини мақтаб шундай дер эдилар: “Солиҳнинг онаси (Абоса бинти Муфаззал) мен билан йигирма йил яшадди. Иккимиз бирор сўз борасида ҳам тортишмадик”.

3. Мол-давлат. Хонадон раҳбари ҳисобланмиш эркак киши аҳли оиласини нафақа



билан таъминлаб қўйиши ҳам оятдаги “улар билан яхшиликда яшанг” деган хитоб остига киради. Зеро, Аллоҳ таоло эркак кишини табиатан аёлга нисбатан қувватлироқ ва машаққатларга чидамлироқ қилиб яратган. Чунки оилани нафақа билан таъминлашда эркак киши қўплаб машаққатлар чекади. Лекин шу машаққатлар эвазига Аллоҳдан савобни умид қиладиган бўлса, унинг ажри жуда ҳам улуғ ҳисобланади. Агар қўл остидаги кишиларнинг нафақаси борасида бепарволик қиладиган бўлса унда каттиқ гуноҳкор бўлади.

Замонамизнинг баъзи эркаклари зиммала-ридаги муҳим вазифаларга безътибор бўлиб, иккинчи даражали ишларга муккаларидан кетадилар. Дўстлари даврасида умри ва пулини аямай сарфлайдиган эркак оиладаги зарурий эҳтиёжларни бажаришга келганда бепарво-ликка йўл қўйиб, аёлига келтирган озгина нарсани тежаб ишлатиш лозимлигини уқти-ради. Аслида, бу иш шариат кўрсатмаларига мутлақо тўғри келмайди. Ваҳоланки, сизнинг кийимингизни намозга яроқли, покиза қилиб ювиб берадиган ҳам аёлингиз, дуо қилсангиз дуоингиз ижобат бўлишига сабаб бўладиган покиза таомларни тайёрлаб берадиган ҳам аёлингиз, уйга чарчаб келганингизда “яхши келдингизми?” деб кутиб олиб, фарзандларин-гизни чиройли тарбия қилиб ўтирадиган ҳам аёлингиз. Шундай экан, яхшилик қилишга ва эҳтиёжларини таъминлашга энг ҳақдор инсо-нингиз ҳам аёлингиз бўлади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадис-ларининг бирида: “Киши ўз қарамоғидагила-рини нафақасиз ташлаб қўйиши унинг каттиқ гуноҳкорлигига кифоя қилади” деб марҳамат қилганлар. (Абу Довуд ривояти)

Абу Ҳафс Умар Насафий юқоридаги ояти карима борасида бошқа яна қуйидаги шарҳлар-ни келтирадилар.

Имом Қушайрий раҳматуллоҳи алайҳ ушбу оятни тафсир қилиб, қуйидагиларни баён қиладилар. Аллоҳ таолонинг “Улар (аёл-лар) ила яхшиликда яшанг” деган каломидан мурод “Аёлларингизга динни таълим беринг, мусулмон ва муслима учун фазилат ҳисоблан-

ган одоб ва гўзал хулқларни ўргатинг, улардан етадиган азиятга сабр қилинг, тоқатларидан ортиқ нарсага буюрманг, уларни хижолатга қўядиган ўринлардан сақланг” деган маънода деб тафсир қилганлар.

إِنْ كَرِهْتُمُوهُمْ فَعَسَى أَنْ تَكْرَهُوا شَيْئًا وَيَجْعَلَ اللَّهُ فِيهِ خَيْرًا كَثِيرًا

Яъни: “Агар уларни ёқтирмасангиз, шо-ядки, Аллоҳ сиз ёқтирмаган нарсада кўпгина яхшиликларни қилса”.

Умар Насафий раҳматуллоҳи алайҳ ушбу оятнинг тафсирида Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳнинг сўзларини келтира-дилар. Унда: “Агар аҳли оилангизнинг ёмон хулқи ёки азият берувчи тилига сабр қилсан-гиз, Аллоҳ таоло шу ишингиз эвазига сизга ушбу аёлдан кўзингизни қувонтирадиган ва охиратда сизга қўплаб савобларни олишингиз-га сабаб бўладиган фарзандларни ато қилади” деб тафсир қилганлар.

Дарҳақиқат, ушбу ояти карима жуда кўп ҳикматларни ўзида қамраб олган бўлиб, агар мўмин киши бу тавсияга амал қилса, Аллоҳ-нинг фазли ила беҳисоб яхшиликларга сазо-вор бўлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биз мусулмонларга қилган тав-сияларида ҳам: “Ҳеч бир мўмин ҳеч қайси мў-мина аёлини ёмон кўрмасин. Агар унинг хулқ-атворидан бирини ёқтирмаса, бошқа хулқини ёқтириши мумкин” деб марҳамат қилганлар (Имом Муслим ривояти).

Зеро, ҳаётда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа бирор бир инсонда барча гўзал фазилатлар жамланиши амри маҳолдир. Чунки Аллоҳ таоло ҳар бир инсонга ўзгача қобилият ва шунга яраша хулқ-атвор беради. Лекин астойдил ҳаракат қилинса, Аллоҳнинг тавфиқи ила инсон ўзидаги салбий сифатлар-ни тузатиб, ижобий фазилатларни қарор топти-риши мумкин. Аллоҳ таоло бизларни юқорида келган ояти карима ва ҳадиси шарифлар ҳамда бу борада уламоларимиз томонидан айтилган ҳикматли сўзларга амал қилишни насиб этсин!